

<i>Ташилот номи:</i>	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Оммавий-ҳуқуқий фанлар кафедраси
<i>Танлов босқичи:</i>	Сухбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (100 та)

1. Амалиётда тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни қонунлар, вазирлик, давлат қўмитаси ёки идораларнинг қарор ва буйруқлари ўртасида ҳам тафовут вужудга келиб туради.

Масалани атрофлича таҳлил қилиш орқали вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Ҳуқуқ нормаси давлат томонидан ўрнатиладиган, маъқулланадиган, муҳофазаланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш-туриш (хулқ-атвор) қондаси бўлиб, ҳуқуқ мазмунининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Ҳуқуқ нормаси ҳақида гап борганда, айрим ҳуқуқни қўлловчи шахслар уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тенг тушунча деб ҳисоблашса, бошқалари ушбу тушунчалар турли мазмун ва аҳамият каб этишини таъкидлайдилар.

Ҳуқуқ нормасини атрофлича муҳокама қилиб, масалага ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Ҳуқуқни шарҳлаш – махсус юридик ваколатли органларнинг ҳуқуқни қўллашни тартибга солиш мақсадида ҳуқуқий нормалар талаблари мазмунини аниқлаш ва тушунтириш бўйича фаолиятини англатади. Шу маънода айтиш мумкинки, ҳуқуқ нормаларни шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнида муҳим ўрин тутаяди. Шарҳлаш ўз навбатида ҳуқуқни амалга оширувчиларни ҳуқуқ нормаларини бир хил маънода тушуниш ва айнан қўллашга йўналтиради.

Ҳуқуқ нормасини расмий ва норасмий шарҳлашнинг бир биридан фарқини изоҳлаб беринг, уларнинг ҳуқуқни қўллашдаги аҳамиятини атрофлича муҳокама қилинг.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Тошкент давлат юридик университетининг 1-курс талабалари билан семинар машғулотида Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши шаклини муҳокама қилиш вақтида, айрим талабалар Ўзбекистоннинг унитар давлат эканлигини таъкидлашса, бошқалари федератив давлат деган фикрларни билдиришган.

Давлатнинг тузилиш шакллари атрафлича муҳокама қилиш орқали вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

5. Давлат механизми муайян объектив тамойиллар асосида амалга оширилади, бу эса жамиятни давлат томонидан идора этишнинг самарадорлигини таъминлаш кафолати ҳисобланади. Қонун чиқариш ва ижро этиш ваколатлари айти бир шахс қўлида ёки айти бир орган ихтиёрида жамланган бўлса, эркинлик мавжуд бўлмайди, зеро давлат бошлиғи ёки парламент нотўғри қонунлар қабул қилиши ва улардан турли мақсадларда фойдаланиши мумкин. Шу сабабли ҳокимиятлар бўлиниши принципига амал қилиниши лозим. Ҳокимиятлар бўлиниши учала ҳокимиятнинг мувозанатини, тенглигини ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туришини ва қарама-қарши таъсир этишини таъминловчи тизимдир.

Ҳокимиятлар бўлиниш принципининг мазмун ва моҳиятини атрафлича муҳокама қилинг.

6. Давлатнинг белгилари давлатни жамиятдаги барча давлатга муайян даражада яқин ва ўхшаш бўлган бошқа ташкилотлардан фарқлаш имконини беради. “Оммавий ҳокимият”, “давлат тузилмалари”, “сиёсий ташкилот” сингари бир қатор тушунчаларни шулар жумласига киритиш мумкин. Давлат белгилари хусусида ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари, ёндашувлари турли-туман бўлсада, уларни умумлаштириб асосий белгиларини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир мустақил давлат, биринчи навбатда, давлатнинг қўшимча белгилари (рамзлари) ҳисобланган давлат байроғи, герби, мадҳиясига эга.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар давлатнинг белгилари мавжуд бўлиши билан бир қаторда бошқа давлатлар томонидан ҳам тан олиниши лозимлигини қайд этишади.

Давлат белгиларини атрафлича муҳокама қилиш орқали мазкур масалага баҳо беринг.

7. Давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши (моҳияти) – бу учала ҳокимиятнинг мувозанатини, тенглигини ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туришини ва қарама-қарши таъсир этишини таъминловчи тизимдир. Айти пайтда ушбу органлар ваколатлари шундайки, улар бир-биридан холи ҳаракат қила олмайди ва давлат ҳокимияти уч мустақил тармок кооперацияси жараёнида амалга оширилади.

Ҳокимиятлар бўлиниш принципининг мазмунини атрафлича муҳокама қилинг ҳамда ўзаро бир-бирини тийиб туришини ва қарама-қарши таъсир этиши тизимини тушунтиринг.

8. Юридик жавобгарликдан озод қилиш – бу ҳуқуқий жавобгарликни либераллаштириш ва уни индивидуаллаштиришга қаратилган мустақил юридик институт ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган институт мураккаб тузилишга эга бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: асослар,

принциплар, шартлар, қўллаш доираси, шакллари, тартиби ва юридик жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Шунингдек, юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар ҳам мавжуд.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг ва юридик жавобгарлик элементларини ёритиб беринг.

9. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш қатор омилларга боғлиқ бўлиб, бунда ҳуқуқий тарбия ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ўзгаришида асосий воситалардан бири саналади. Ҳуқуқий тарбия жамият аъзоларининг юриш-туриш маданиятига ва онгига ҳуқуқ ҳақидаги билимларни доимий равишда мақсадга мувофиқ таъсир этиш орқали сингдириб бориш жараёни ҳисобланиб, ўзининг муайян воситаларига эга.

Ҳуқуқий тарбия ва унинг воситаларини атрофлича муҳокама қилинг.

10. Қонун давлатнинг олий вакиллик органи (ёки референдум орқали халқ) томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган, энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, уни тайёрлаш муайян босқичларда амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан мақулланган Қонун имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилди. Президент эса қонуннинг айрим моддаларига эътироз билдириб, тавсия ва таклифлар билан қонунни Қонунчилик палатасига қайтарди. Президент томонидан қайтарилган қонун тўғридан тўғри қайта кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилди. Лекин Қонунга ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмасдан, у Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг кўпчилики овози билан қабул қилинди ва имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилди. Президент қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартибига амал қилинмаганлигини таъкидлаб, қонунни имзоламади.

Қонун ижодкорлиги босқичларини муҳокама қилиш орқали вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

11. Ҳуқуқ нормалари уларда мустаҳкамланган қоидаларнинг характерига қараб ҳуқуқ ва ваколат берувчи, мажбурият юқловчи ва таъқиқловчи (ман қилувчи) нормаларга ажратилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қуйидаги нормалар ўз ифодасини топган:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга...”;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар”;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “...Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг

жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди”.

Ваколат берувчи, мажбурият юкловчи ва таъқиқловчи нормаларнинг бир биридан фаркли жиҳатларини изоҳлаш орқали келтирилган нормалар ҳуқуқ нормасининг қай турига киришини атрофлича муҳокама қилинг.

12. Ҳуқуқ тамойиллари – бу ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи бошланғич норматив асослар, энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалардир. Ҳуқуқ тамойиллари, авваламбор, ҳуқуқ қонуниятларини ифодалайди, қолаверса, бутун ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида амал қиладиган ва барча субъектларга нисбатан қўлланадиган энг умумий нормалардан иборат бўлади. Ҳуқуқ тамойиллари ҳуқуқ ижодкори учун дастурий ғоялар сифатида майдонга чиқаркан, ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш йўллари белгилаб беради. Ҳуқуқ тамойиллари Конституцияда, қонунлар ва кодексларнинг муқаддима ёки умумий қоидалар қисмида махсус тартибда белгилаб қўйилади.

Шу билан бирга, айрим юристлар амалиёт учун ҳуқуқ тамойилларининг аҳамияти йўқлигини билдиришса, бошқалари муҳим аҳаиятга эгаллигини, ҳуқуқий тизим унга боғлиқ ҳолда ривожланишини таъкидлашади.

Масалани атрофлича муҳокама қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

13. Унитар давлатлар ҳудудида бошқа мустақил давлатлар, мамлакат таркибида давлат белгиларига эга алоҳида ҳудудий тузилмалар бўлмайди. Унитар давлатлар таркибидаги маъмурий-ҳудудий бўлинмалар фақат маҳаллий масалаларни ҳал этади, марказий ягона давлат ҳокимияти мамлакатнинг бутун ҳудудига ўз таъсирини, юрисдикциясини ўтказди. Барча маъмурий ҳудудлар учун ягона қонунчилик тизими, молия-кредит ва солиқ сиёсати амал қилади. Шу билан бирга, унитар давлатнинг ҳам бир қатор турлари мавжуд.

Масалани атрофлича муҳокама қилинг.

14. Ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишида ҳуқуқ ва муомала лаёқати муҳим белгилорчи ўринни эгаллайди. Муомала лаёқати билан деликт лаёқати эса ундан келиб чиқади. Баъзи олимлар шахс ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаса, ҳуқуқни амалга оширишга оид ҳаракат ёки у билан боғлиқ жавобгарлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлашади. Лекин муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати вақтинча чекланган шахслар ҳам бўлиб, уларга ҳам ҳуқуқни амалга оширишга оид ҳаракатлари мавжуд ҳисобланади.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

15. Казуал шарҳлаш умуммажбурий характер касб этмайдиган, балки ҳуқуқий нормани аниқ ҳодиса, ҳаётий ҳолатга қўллаш учун кўзланган расмий талқин этишдир. Казус – ҳодиса, ҳаётий факт. Казуал шарҳлаш суд ва бошқа

ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан кўрилатган ва ҳал қилинаётган аниқ ишлар бўйича тегишли нормага берилади ва фақат шу иш учун мажбурий ҳисобланади. Казуал шарҳлаш норматив шарҳлашдан қатор жиҳатларига кўра фарқ қилади.

Судлар ҳар бир фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ва бошқа ишларни кўраётганда тегишли ҳуқуқий нормалар билан ишларни кўриб, ҳал қилиш чоғида ҳуқуқий нормаларни казуал шарҳлайди. Суднинг муайян иш бўйича чиқарган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатида ҳуқуқ нормани казуал шарҳлаш ётади. Казуал шарҳлаш қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашдаги муҳим аҳамиятга эга.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

16. Ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатлари турли юридик кучга ва амалий аҳамиятга, яъни турли юридик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мураккаб, кўп даражали тизимдан иборатдир. Ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжати – муайян ҳуқуқий нормани қай тарзда тушуниш ва амалиётда қўллашни тушунтириб берувчи ҳужжат. Субъектларга боғлиқ равишда ҳуқуқни шарҳлашнинг икки тури ва шунга мутаносиб равишда ҳужжатларнинг икки гуруҳи, яъни расмий шарҳлаш ва норасмий шарҳлашни алоҳида фарқлаш қабул қилинган.

Расмий шарҳлаш давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳамда изоҳланаётган норма билан ўзаро муносабатларни тартибга солинадиган барча субъектлар учун мажбурий хусусиятга эга бўлган ҳуқуқ нормаларини тушунтиришга қаратилган фаолиятдир. Расмий шарҳлашнинг норматив ва казуал турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Расмий шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнида муҳим аҳамият касб этиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бир қатор хусусиятларига кўра фарқланади.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

17. Ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини англаш учун уни шарҳловчи субъектлар ҳуқуқ нормасини бошқа юридик қоидалар ва принциплар билан ўзаро алоқаларини аниқлайдилар ва ўрнатадилар. Шу маънода, ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқни шарҳлашнинг грамматик (филологик) шарҳлаш; тизимли (системали) шарҳлаш; тарихий-сиёсий шарҳлаш; мантикий шарҳлаш; махсус юридик шарҳлаш усуллари фарқланади. Ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини аниқлашда мазкур шарҳлаш усуллари муҳим аҳамиятга эга. Айрим ҳуқуқни қўлловчиларнинг фикрига кўра ҳуқуқ нормасининг мазмунини ҳуқуқни шарҳлаш жараёнида кенгайтиришга йўл қўйилмайди.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

18. Ҳуқуқдаги фикциялар бу жорий қонунчилик билан тан олинган ва умуммажбурий характер касб этган, лекин амалда мавжуд бўлмаган ҳолатлар ҳисобланади.

Масалан, муайян шахснинг бедарак йўқолганлиги сабабли маълум муддат ўтгандан кейин у суд томонидан вафот этган деб топилди. Мазкур ҳолатдан сўнг вафот этган деб топилган шахс тирик эканлиги аниқланади ва у ўз ҳуқуқларини талаб қилди. Ҳуқуқшунослар ушбу ҳолатни ҳуқуқдаги фикция эканлигини, унинг қатор ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини эътироф этишади.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

19. Ҳуқуқий норма мазмуни тақозо қилган ҳуқуқни амалга оширишнинг тўрт шаклини фарқлаш кераклиги кўрсатилиб унинг асосий шакли сифатида ҳуқуққа риоя этиш келтириб ўтилади. Ҳуқуққа риоя этиш орқали тақиқловчи нормалар амалга оширилиб, бу шаклнинг моҳияти тақиқланган ҳаракатларни содир этишдан пассив ҳолатда ўзини тийишдан иборатлиги белгиланган. Лекин шахс ўзининг ҳуқуқларига кундалик ҳаётда риоя этиш учун ҳар доим ҳам тақиқловчи нормаларнинг мавжудлиги шарт эмаслигини кўришимиз мумкин.

Ҳуқуқни амалга ошириш шакли сифатида ҳуқуққа риоя этишнинг ўзига хос томонларини муҳокама қилинг ва амалий мисолларда кўрсатиб беринг.

20. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг демократик ҳуқуқий давлат асосларини барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Бунда ҳокимиятлар бўлиниши алоҳида аҳамият касб этиб, давлат функцияларини самарали амалга оширилишини таъминлаб беради, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши лозим. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш ва улар ўртасида бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш тизимини тадбиқ этиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди ва бу борада ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

21. “Давлат шакли” иборасини бир гуруҳ олимлар “давлат тузуми”нинг синоними сифатида қўллайдилар ва давлат шакли тушунчасига давлат бошқарув шакли, давлатнинг тузилиш шакли ва сиёсий режим киради, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар давлат шаклига давлат бошқарув шакли ва давлат тузилиши шакли киради деб, унга сиёсий режимни қўшмайдилар. Яна бир тоифа ҳуқуқшунослар давлат шакли – давлат ҳокимиятининг тузилиши шаклидир, дейдилар.

Давлат шакли ўз ичига нималарни қамраб олишини атрофлича муҳокама қилинг.

22. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат баён тарзида расмий эълон

қилинишига йўл қўйилмайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилишини қонун ҳужжатлари асосида таҳлил қилинг.

23. Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Бундай ҳолларда қонун одатдаги тартибда қабул қилинади ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади. Шунингдек, Сенат томонидан маъқулланиб Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилган қонунни Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Сенат томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан қайтаришининг ҳуқуқий томонларини қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

24. Ҳар бир яратилган қонун, энг аввало мантиқий мунтазамликка асосланган ҳолда, бир-бирига боғлиқ ва ҳар бири олдинги норманинг мазмунидан келиб чиқадиган нормалар тизимидан иборат бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир норма яхлит бир тизимнинг мустақил, бироқ ўзига ва ўзидан кейинги нормаларга мазмунан боғлиқ бирлиги сифатида жойлаштирилиши лозим. Лекин биз қонунчиликда айрим ҳолатларда тизимлилик йўқолганлигини ёки такрорлашларга йўл қўйилганлигини кузатамиз. Бунда албатта қонунчиликни тизимлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг бир неча турларини кўрсатиш мумкин. Албатта тизимлаштиришнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва ҳуқуқий асосларга эга.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг ва вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

25. Баъзи муаллифлар “ҳуқуқий тизим”ни “ҳуқуқ тизими” ибораси билан бир хил деб тушунадилар, бошқа олимлар эса, мазкур тушунча доирасида ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро дахлдорлигини назарда тутадилар. Учинчи гуруҳ мутахассислар “ҳуқуқий тизим тушунчаси норматив тузилма сифатида ҳуқуқнинг тузилишини, ваколатли органларнинг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги фаолиятларини қамраб олади”, деб таъкидлайдилар.

Ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқий тизим ўртасида фарқларни муҳокама қилинг ва фикрингизни мисоллар ёрдамида ёритиб беринг.

26. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш мақсади ҳуқуқ ижодкорлиги субъекти назарда тутган ҳуқуқ нормасининг мазмунини аниқлашдан иборат. Ҳуқуқ

иждокорлиги субъекти ўз иродасини тил воситаларида ифодалайди. Шунинг учун унинг сўзлар ёрдамида ифодаланган иродаси ҳар доим ҳам унинг ҳақиқий мазмуни билан мос келмаслиги мумкин. Ҳуқуқ нормаси маъносининг бир хиллиги ва тўла аниқлигига эришиш шарҳлашнинг натижаси ҳисобланади. Шунга кўра, ўзига хос афзалликларга эга бўлган ҳажмига кўра шарҳлашнинг айнан, кенгайтирилган ва чекланган турлари фарқланади. Мазкур шарҳлаш турлари ҳуқуқни қўллаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг, мисоллар келтиринг.

27. Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларида бўшлиқ мавжуд бўлса қонун ёки ҳуқуқ аналогияси қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Қонун ҳужжатлари таҳлили орқали аналогияни қўллашнинг бир қатор талаб ва шартларини кўриш мумкин.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

28. Ҳуқуқ нормаларининг гипотеза, диспозиция ва санкцияга бўлиниши мантиқий норма сифатида кўрсатилади. Мантиқий норма элементлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган турли ҳужжатларда ҳам акс этиши мумкин. Ҳуқуқ нормалари ички таркибий элементлари ўртасидаги узвий мантиқий боғлиқликка эришиш ўз ўрнида ушбу ҳуқуқ нормаларининг ҳаётийлигини, барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, айрим манбаларда гипотеза, диспозиция ва санкциянинг ҳуқуқ нормасида биргаликда учраши доимо ҳам кузатилмаслиги қайд этилади.

Масалани атрофлича муҳокама қилиб, вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

29. Ҳуқуқни амалга ошириш давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва қафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқуқ нормаларини кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга тадбиқ этилишига айтилади. Аксарият ҳолларда ҳуқуқни амалга ошириш алоҳида юридик ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан амалга оширилади ҳамда у юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришни талаб этади. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг қуйидаги асосий қоидалари мавжуд бўлиб, улар: ҳужжат қисқа бўлиши, аниқ бўлиши, йўлланувчига тушунарли бўлиши ва барча зарур маълумотларни ўзида акс этиши (бу энг асосийси) лозим.

Юқоридаги масалалардан келиб чиқиб, ушбу ҳужжатларни юридик-техник расмийлаштириш талабларини алоҳида муҳокама қилинг.

30. Ҳуқуқ нормаларини, айниқса, юксак норматив умумлашганлик даражаси билан ажралиб турувчи нормаларни амалга оширишда, айрим олинган алоҳида ҳодисага нисбатан қўллашда бу нормаларни шарҳлаш зарурати юзага келади. Ҳуқуқда шарҳлаш зарурати яна унинг шакли ва мазмуни ўртасидаги эҳтимол тугилган зиддиятлар билан ҳам юзага келади. Ҳақиқатан ҳам ҳуқуқ мазмуни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини

топади, лекин, афсуски, бу ҳужжатлар ҳамиша ҳам қонун чиқарувчи иродасини ифодамайвермайди.

Агар ҳар доим ҳуқуқни шарҳлаш қонун чиқарувчининг иродасини ифодаламаса ҳуқуқни шарҳлашнинг аҳамияти нималарда кўринишини муҳокама қилинг.

31. Ҳуқуқ нормалари ўз хусусиятига кўра, фақат давлат органлари ёки шу ишга алоқадор бўлган шахслар томонидангина эмас, балки жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар) томонидан ҳам муайян шароитларда қўлланиши мумкин. Ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёнида айрим фуқаролар ҳам фаол иштирок этишлари керак. Демократик жамиятда қонунларни ҳаётга татбиқ этишда давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳам кун сайин ўсиб бормоқда. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз иш фаолиятларида давлат органларидан мустақил ҳолда зиммаларига юклатилган функцияларни бажариш мақсадида ҳуқуқни қўллашга оид турли хил вазифаларни амалга оширмоқдалар.

Шу маънода давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳуқуқни амалга ошириш босқичларининг ўзига хос томонларини муҳокама қилинг.

32. Ҳуқуқ нормасининг диспозициясида ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ифодаланган бўлади. Бу юридик норманинг ўзаги, ҳуқуққа мувофиқ ҳуқ-атвор намунаси, моделидир. Бироқ диспозиция тартибга солиш хусусиятларини гипотеза ва санкция билан биргаликдагина намоён эта олади, ҳаракатда бўлади. Юриш-туриш қоидасининг ифодаланишига кўра диспозициялар оддий, тавсифловчи, бланкет, ҳавола этувчи диспозицияларга бўлинади. Улар ўз навбатида ўзига хос хусусиятларга эга.

Масалани атрофлича таҳлил қилинг.

33. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи кишилар бир-бирлари билан нафақат ишлаб чиқариш муносабатларига балки ҳуқуқий муносабатларга ҳам киришадилар. Хусусан, мулкчилик соҳасидаги бундай муносабатлар мулкка эгалик қилиш ва эгалик қилмаслик ҳуқуқига тааллуқлидир. Шу маънода мулкчилик муносабатлари ҳуқуқий муносабатларга айланади. Мулкдор билан ишчи орасидаги, яъни бирида мулкнинг мавжудлиги ва бошқасида мавжуд бўлмаслиги билан бевосита ифодаланган муносабатлар юридик муносабатлар ҳисобланиб, улар турли асосларга кўра вужудга келади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиш асосларини мисоллар ёрдамида муҳокама қилинг.

34. Ўзбекистонда 409 мингта оила “Темир дафтар”га киритилган. Маълум қилинишича, аҳоли 5 та мезон асосида “Темир дафтар”га киритиб борилмоқда: 1) меҳнатга лаёқатсиз ёки сурункали касалликлари оиласи аъзоси мавжуд бўлган оилалар; 2) якка-ёлғиз бевалар ва ўзгалар парваришига, қармоғига муҳтож бўлган оилалар; 3) 5 нафар ва ундан ортиқ фарзанди мавжуд ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар; 4) коронавирус пандемияси натижасида ўзининг доимий даромад манбайидан маҳрум бўлган оилалар; 5) ҳақиқатан ҳам эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтож оилалар.

Президентнинг 2020 йил 26 августдаги “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистондаги уч тоифа, хусусан “Темир дафтар”даги оилалар фарзандларига 500 минг сўмдан пул тарқатиш белгиланди.

Ушбу бир марталик моддий ёрдам кўрсатилишидан хабар топган “Камолон” маҳалласининг ўзига тўқ, моддий шароити яхши аҳволда бўлган 5 нафар фуқаролари ушбу қарордан норози бўлишди. Улар ушбу ёрдам Конституцияда белгиланган ижтимоий тенглик тамойилларига зид бўлиб, пандемия даврида барчага бирдек моддий ёрдам кўрсатилиши керак деб ҳисоблашди. Шу туфайли улар моддий ёрдам сўраб маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилишди. Рад жавоби олгач, прокуратурага МФЙ раисининг қарори устидан шикоят билан мурожаат этишди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

35. Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитиш учун Қонунчилик палатаси мажлисига чақиради. Лекин Соғлиқни сақлаш вазири Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Қонунчилик палатаси қарор қабул қилмаганлиги ҳамда қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига олдиндан юборилмаганлиги сабабли Палата мажлисида иштирок эшитишни рад қилади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

36. Сенатор А. вазирликка сенатор сўровини юборади. Сўровга бир ойдан сўнг ёзма жавоб келади. Сенатор А. Сенат мажлисини чақириш ҳамда унда ёзма жавобни муҳокама қилиш таклифи билан Сенат раисига мурожаат қилади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

37. Навоий вилояти марказида фаолият юритаётган сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ширин-қаймоқ” хусусий корхонасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланмаётганлиги масаласи юзасидан бир гуруҳ ишчилар мулкдорга мурожаат қилишди. Ўз мурожаатларида меҳнат шароити, ижтимоий тенглик ҳамда меҳнатга яраша ҳақ тўланмаса мазкур ҳолат юзасидан прокуратурага мурожаат қилишлари,

шунингдек корхона фойда кўрмасдан ишлаш билан бирга сут маҳсулотларини етарли даражада қайта ишламасдан исроф қилинаётганлиги фактини керакли органларга маълум қилган ҳолда ушбу корхонанинг кичик бизнес субъекти сифатида барча имтиёзлардан маҳрум қилинишига эришишларини маълум қилишди.

Бунга жавобан эса корхона раҳбари у мулкдор эканлиги ҳамда хоҳлаган ишини қилиши мумкинлигини маълум қилган ҳолда мурожаат қилган барча ишчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

38. 2021 йил август ойида Бекобод тумани ҳокими П.Акбаров шу туманда жойлашган “Кенагас” М.Ф.Й. раиси Н.Солиевни қабулига чақиртирди ва унга Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги қарори ижросини таъминламагани учун танбеҳ бериб, унга нисбатан интизомий жазо қўллаши мумкинлигини таъкидлади. М.Ф.Й. раиси унинг бунга ҳаққи йўқлигини, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар қандай органдан мустақил эканлигини таъкидлади. М.Ф.Й. раиси Н.Солиев Бекобод тумани прокуратурасига шикоят аризасини ёзди. Туман прокуратураси бундай турдаги ишлар билан судга мурожаат қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини батафсил ёритиб беринг.

39. Талабалар ўртасида ўтказилган семинар машғулотида давлат мукофотларини ким томонидан тақдим этилиши тўғрисида баҳс мунозаралар келиб чиқди. Талаба Комилов Давлат мукофотлари фақат давлат хизматчиларигагина берилиши мумкинлигини айтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

40. Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинганидан кейин ва Олий Мажлис Сенати томонидан маъқуллангандан сўнг, қонун лойиҳаси имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилди. Бироқ, давлат раҳбари қонунни имзоламади ва эътирозлар билан қайтариб берди. Бундай ҳолда, Олий Мажлис палаталари дастлабки қабул қилинган ҳолатда қонунни такрорий овоз беришга қўйиши ёки давлат раҳбарининг эътирозларини инобатга олиб, уни қайта қабул қилишлари шарт эди. Парламент палаталари биринчи вариантни афзал кўришди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг аъзолари умумий соннинг $\frac{3}{4}$ миқдоридан овоз бериш орқали қонун қабул қилинди, яъни Президентнинг ветоси четлаб ўтилди. Бироқ, давлат раҳбари қайта овоз бериш тартиби қўпол равишда бузилганлигини таъкидлаб, Қонунга имзо чекмади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

41. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳаси уч ўқишда қабул қилиниб, маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилди. Бироқ, қонун Сенат томонидан рад этилиб, Қонунчилик палатасига қайтарилди.

Сенат томонидан рад этилган қонун қайта кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулланди ҳамда Сенатга юборилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

42. Конституциявий ҳуқуқ фани дарсида талабалар ўртасида конституциявий қонунлар масаласида баҳсли мунозара бўлиб ўтди ва яқунда конституциявий қонунларнинг кодексларга нисбатан юқори кучга эга эканлиги борасида тўхтамга келинди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида конституциявий қонун ҳамда кодексларнинг ўзаро нисбати қандай? Уларнинг қонунлардан нима фарқи бор?

43. Мактаб ўқитувчиси Б. 4-сонли сайлов участкасининг аъзоси ҳисобланади. Президент сайловига ўттиз кун қолганида 25-сонли сайлов участкаси тузилади ҳамда фуқаро Б. 25-сонли сайлов участкасининг котиби сифатида сайланиб, 2 та сайлов участкасида фаолият юритишни бошлайди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

44. Германиялик журналист А. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кампанияси даврида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш мақсадида сайлов участкаларига ташриф буюради.

Бироқ участка сайлов комиссияси аъзолари журналистга унинг аккредитациядан ўтмаганлигини важ қилиб, унга сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни ёритишга рухсат бермайди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

45. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сенатор А.ни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала бўйича тақдимнома киритди.

Сенат Кенгаши томонидан сенатор А.ни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш рад этилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

46. Қонунчилик палатасининг 10 нафар депутати Қонунчилик палатаси мажлисида Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш бўйича Бош вазирга парламент сўрови юборади.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатасининг ҳуқумат томонидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг айрим долзарб масалаларига доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар назарда тутилган қарори қабул қилинади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

47. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига депутат сўрови юборди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири сўровга 8 кун ичида ёзма жавоб юборди.

Ёзма жавобдан қониқиш ҳосил қилмаган депутат ёзма жавоб бўйича юзага келган саволларга ойдинлик киритиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирини Қонунчилик палатаси фракцияси йиғилишига келишини сўради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

48. Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият ҳаётига доир муҳим масала референдумга қўйилди. Тошкент шаҳар Юнусобод туманида вақтинчалик рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси Х.Рахимов референдумга овоз бериш учун борганда овоз берувчилар рўйхатида унинг исми шарифи йўқлиги маълум бўлди. Овоз бериш участкаси котиби фуқаро Б. Саидов яшаш жойида вақтинчалик рўйхатда турганлиги туфайли сайловчилар рўйхатига киритилмаганлигини маълум қилди. Доимий турар жойида ташкил этилган овоз бериш участкасида референдумда қатнашиши тўғрисида маълумот берилди. Бундан норози бўлган фуқаро Х.Рахимов ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига шикоят қилди. Бу орада референдум тугаб, натижалар чиқди.

49. Мўйноқ тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Мусобақа бошланиши давомида ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси байроқлари кўтариб чиқилди. Лекин Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси байроғидан анча кичик эди. Коллеж раҳбари мусобақа бошланишига оз вақт қолганида бу ҳақида хабар топганлиги учун бу камчиликни тўғирлай олмади. Натижада турли ўлчамдаги миллий байроқлар кўтарилди. Бу ҳолатни ўргангач, ҳуқуқ-тартибот ходимлари коллеж директорини “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунни бузганликда айблади. Коллеж директори эса танлов ташкилотчилари, яъни - туман ҳокимлигини айблади.

50. Фуқаро А. қуёнчилик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг умумий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамоат бирлашмасини ташкил этишга қарор қилди. Худди шу соҳада фаолият юритувчи юридик шахслар ҳам уюшмага таъсисчи сифатида кириш истагини билдиришди. Фуқаро А. жамоат бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсис ҳужжатларини тайёрлади. Унда юридик шахсларни ҳам таъсисчи

сифатида киритди. Аммо рўйхатдан ўтказувчи орган фуқаро А. томонидан хужжатларни қабул қилмасдан Давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилишни тавсия қилди. Фуқаро А. Адлия вазирлиги ходими хатти-харакатидан норози бўлиб, прокуратурага мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

51. “Воҳа ҳақиқати” газетаси таҳририяти 2020 йил 4-сонда “Буғдой-нур ишлаб чиқариш” МЧЖ фаолияти тўғрисида газетанинг биринчи саҳифасида асосга эга бўлмаган маълумотларни нашр қилди.

“Буғдой-нур ишлаб чиқариш” МЧЖ “Воҳа ҳақиқати” газетасида эълон қилинган, бироқ, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилди. Даставвал, таҳририят раддия ёки жавобни эълон қилиш ҳажми ва вақти ушбу оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказиши важи билан раддия эълон қилишни кечиктирди.

Бир ой муддат ўтгач, корхона таҳририятга ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлиги учун қайта мурожаат қилганда раддияни эълон қилишдан бўйин товлади. “Буғдой-нур ишлаб чиқариш” МЧЖ ушбу ҳолат юзасидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

52. 2020 йил декабрь ойида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижасига кўра ҳеч бир номзод қонунда назарда тутилган етарли овозларни тўплай олмади. Шу боис, 35 та сайлов округида такрорий овоз бериш ҳамда 5 та сайлов округида сайловлар жараёнида қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги туфайли такрорий сайлов ўтказиш зарурлиги маълум бўлди.

Бошқа сайлов округлардан сайланган айрим депутатлар эса ушбу сайлов округларида такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов натижалари маълум бўлмасдан туриб ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасини сайланган ва ўз фаолиятини бошлаши мумкин деб ҳисоблаб, Марказий сайлов комиссияси раисига Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини чақириш, палата раҳбар органлари ва қўмиталари таркибини шакллантириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишди. Марказий сайлов комиссияси раиси бунга рад жавобини берди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

53. 2019 йил 13 апрель куни Қашқадарё вилояти халқ депутатлари Чирокчи тумани Кенгаши томонидан тумандаги Хўжақўрғон қишлоғини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Туман кенгаши қарори маълумот учун Қашқадарё вилояти ҳокимига юборилди. Бироқ, вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган қарорга эътироз билдирилди.

Туман ҳокими эса ўзи томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси Чироқчи тумани Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга асос бўлганини таъкидлади.

Вилоят ҳокими Чироқчи тумани Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни қонунга зид деб ҳисоблаб бекор қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

54. 2015 йил 18 июнь сайлов ўтказиладиган куни Жиззах вилояти телеканали ходимлари келиб сайлов участкасидаги сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларни, биринчи навбатда, сайловчилардан номзодга нима сабаблар туфайли овоз бераётганлигини, сайловда ким ютиб чиқиши ҳақидаги фикрларни сайловчидан келгусида нима натижалар кутаётганлигини ўргана бошланади. Ўз навбатида вилоят телеканали ходимлари сайловнинг натижаси юзасидан прогнозлар чиқара бошлади. Шу пайт сайлов участкаси раиси бу ҳолатдан хабар топиб, телеканали ходимларидан ўз ишини тўхтатишини, интервью ва репортажлар олишини тақиқлади. Вилоят телеканали ходимлари сайлов участкаси раиси ҳаракатларидан норози бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик нормаларига кўра сайловлар очик, ошкоралик, эркинлик, адолатлилик, масъуллиқ принципларига асосан ўтказилиши лозимлигини айтиб эътироз билдирди. Шунингдек, сайлов участкаси раиси устидан Марказий сайлов комиссияга шикоят қилишини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

55. 2020 йил 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганидан сўнг Сенатга юборилди.

Бироқ, Сенат мажлисидаги муҳокама натижасига кўра қонун лойиҳаси рад этилди. Мажлисида қонуннинг рад этилиш асослари, уни қайта кўриб чиқиб, бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги ҳақида хулосага келинди ҳамда ушбу хулоса Сенат мажлиси баённомасига киритилиб, баённомадан кўчирма эса Қонунчилик палатасига юборилди.

Қонунчилик палатаси қонунни қайта овозга қўйиб, депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқуллади ҳамда тўғридан-тўғри Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборди. Сенат, қонун юқори палатада маъқулланганидан сўнггина Президентга имзоланиш ва эълон қилиш учун юборилиши мумкинлигини важ қилиб, ушбу ҳолатга нисбатан ўз эътирозини билдирди.

56. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2019 йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловлардан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тасдиқланди ва Вазирлар Маҳкамаси таркиби шакллантирилди.

Янги шакллантирилган Вазирлар Маҳкамасининг биринчи мажлисида Бош вазир томонидан Бош вазир ўринбосарлари ўртасида вазифалар тақсимлаб берилди. Вазифалар тақсимотиға мувофиқ, Бош вазир

Ўринбосарларига ўзлари раҳбарлик қилаётган комплексдаги ишларнинг аҳволи учун шахсан жавобгарлик маъсулияти юклатилди ҳамда ушбу тақсимот Вазирлар Маҳкамасининг мажлис баёни билан расмийлаштирилди.

Бироқ, ушбу баён Ўзбекистон Республикаси Президентига келишиш учун тақдим этилганида, ушбу масалага давлат бошлиғи томонидан эътироз билдирилди. Асос сифатида Бош вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларнинг тақсимоти Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилиши лозимлиги айтилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

57. 2018 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди. Мазкур сайловни ўтказиш бўйича “Гулзор” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайловни ўтказиш учун комиссия ташкил этилди.

Сайловчиларнинг хоҳиш истакларини инобатга олган ҳолда обрў-эътиборга эга фуқаро М.Ваҳобов номзод сифатида рўйхатга олинди. Комиссия томонидан мазкур номзоддан бошқаси бу лавозимга лойиқ эмас деган фикрга келиниб, сайлов куни мана шу битта фуқаро номзод сифатида сайловда қатнашди ва етарли овоз олиб маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Бироқ, бир гуруҳ фуқаролар сайловлар ноқонуний ўтган деб ҳисоблаб, судга шикоят қилишди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

58. Фуқаро К.Гулмухаммедов 2019 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш истаги бор эди. Шу мақсадда у халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланиш учун сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига уни номзод сифатида рўйхатга олиш бўйича мурожаат қилди. Ўз мурожаатида фуқаро К.Гулмухаммедов ўзининг Конституция билан мустаҳкамланган вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи эканини маълум қилди.

Ушбу мурожаатга жавобан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси фуқаро К.Гулмухаммедов 2019 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок эта олмаслигини маълум қилди ва уни номзод сифатида рўйхатга олиш талабини инкор қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

59. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан биринчи маротаба судьялик лавозимига номзоди кўриб чиқиладиган Б.Нурматовнинг судьялик лавозимига муносиблиги ўрганиб чиқилди.

Судьялар олий кенгаши томонидан Б.Нурматовнинг 7 йил аввал Ипотека банкида юрист лавозимида ишлаган давридаги шахсий ва касбий сифатлари ҳақидаги фикри банк раҳбариятидан сўралди. Банк раҳбарияти Б.Нурматов кўпинча ишга кечикиб келгани, баъзида ҳужжатларни ижро этиш билан боғлиқ камчиликларга йўл қўйганини айтиб ўтди.

Натижада, ўтказилган суриштирувга биноан 2020 йил 15 ноябрь куни Судьялар олий кенгаши томонидан Б.Нурматовнинг судьялик лавозимига муносиб эмаслиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Б.Нурматов Судьялар олий кенгишининг мазкур қароридан норози бўлиб унга қарорни қайта кўриб чиқиш ҳақида илтимоснома киритди.

Илтимосномада қонунга биноан бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилиқ, етарли ҳаётий тажрибага эгалиқ, одил судловни амалга оширишга тўсқинлиқ қиладиган касаллиқларнинг ёки жисмоний нуқсонларнинг мавжуд эмаслиги биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари эканини таъкидлаб, унда 7 йил аввал янги иш бошлаган банкда йўл қўйган кичик камчиликлари мезонларнинг биронтасига дахл этмаслигини таъкидлади. Шунингдек, ҳар қандай инсонда бундай камчиликнинг борлиги, бунинг учун судьялик лавозимига муносиб эмаслик ҳақида қарор қабул қилиш адолатсиз эканини айтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

60. 2019 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ш.Ваҳобов делегация таркибида Германияга иш сафари мақсадида Тошкент халқаро аэропортига етиб келди.

Ш.Ваҳобов самолётга чиқмасидан аввал барчанинг шахсий буюмлари кўриқдан ўтказилаётгани, хаттоки белбоғ, оёқ кийимларни ҳам ечиш зарурлигини кўриб аэропорт ходимлари ва масъулларига у судья бўлиб, дахлсизлик ҳуқуқига эга эканини, шу боис бундай кўриқ унга нисбатан татбиқ этилмаслигини айтди.

Бироқ, аэропорт ходимлари ва масъуллари бу қоида аэропортда амал қилмаслиги, ҳаво кемаси ва ундаги инсонларнинг хавфсизлиги учун бундай кўриқ ўта муҳим эканини таъкидлаб, Ш.Ваҳобовдан барча сингари кўриқдан ўтишини сўрашди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

61. 2020 йил 13 апрель куни Ж.Эркинов Т.Анварова билан никоҳ тузиш учун Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимига мурожаат қилди. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими мудираси никоҳ тузиш тартибини тушунтирди. Биринчидан, никоҳ тузиш учун ёзма розилиқ бўлиши, иккинчидан, никоҳ тузиш учун ариза берилгандан кейин бир ойлик муддат белгиланиши, учинчидан, никоҳ никоҳланувчиларнинг шахсан иштирокида қайд этилиши ва никоҳни вакил ёки ишончнома орқали расмийлаштиришга йўл қўйилмаслигини тушунтирди. Бироқ, Ж.Эркинов ва Т.Анварова қонунчиликда бир ойлик муддатнинг белгиланиши никоҳланувчи шахслар никоҳга эркин, ихтиёрий, тенглик ҳамда ўзга шахсларнинг мажбурловсиз қираётганлигини аниқлаштириш учун зарур эканлигини, улар бундай муддат белгиланмаса ҳам ўзаро розилиқ ва ихтиёрийлик асосида турмуш қурмоқчи эканлиқларини билдириб, никоҳни ариза берилган куниёқ рўйхатдан ўтказишни талаб қилдилар. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими мудираси ушбу талабни рад этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

62. 2018 йил 23 март санасида ЎзМТРК каналларининг бирида ёшлар ҳаётидаги муаммолар ҳақида танқидий руҳдаги кўрсатув эфирга узатилди. Унда ёш йигит қизларнинг марказий хиёбонларда учрашувлари акс этган лавҳалар марказий ўрин эгаллади. Кўрсатув эфир юзини кўргач, телевидение орқали юзи яширилмаган ҳолда намойиш этилган ва кенг жамоатчилик томонидан танқид қилинган ёшлар руҳиятида ўзгаришлар кузатилди. Ҳаттоки, ижтимоий тармоқларда айрим ёшлар ўз жонига қасд қилишга уринишлар ҳақида хабарлар тарқалди.

Бунга жавобан, Адлия вазирлиги мазкур ҳолатда телевидение ходимлари ҳатти-ҳаракатларини инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралаштириш деб баҳолаб, бу каби ҳолатларни тўхтатишни талаб қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

63. 2020 йил 5 март куни фуқаро Н.Алимова бўш иш ўринлар мавжуд бўлган давлат ташкилотига иш сўраб мурожаат қилди. Ташкилот раҳбари фуқаро Н.Алимовадан маълумотнома олиб келишни сўради. Ташкилот раҳбари мазкур маълумотномада Фуқаро Н.Алимованинг 2 ёшли фарзанди борлигини важ сифатида кўрсатиб уни ишга қабул қилмади. Фуқаро Н.Алимова мазкур ҳолатда гендер тенглиги бузилган деб ҳисоблаб, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига мурожаат қилди. Вазирлик мазкур низо бўйича ваколатли эмаслигини билдириб, Н.Алимова судга мурожаат қилиши лозимлигини маълум қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

64. “А” Сиёсий партия парламентга бўлиб ўтадиган сайловларда муваффақиятли қатнашиш мақсадида халқаро ташкилотдан ҳамда сиёсий платформасида акс эттирилган ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ бўлган чет эл фуқаросидан кўп миқдорда чет эл валютасидаги хайрия ёрдамини олди. Олинган маблағлар ҳисобидан сиёсий партия номзодлар билан учрашувларни ташкил этди, учрашувларга келган фуқароларга ўз ҳисобидан дастурхон ташкил этди, эсдалик совғаларини ҳадя қилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва банк-молия идоралари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси партияни сайлов жараёнида иштирок этишдан четлатди. Сиёсий партиянинг фаолларидан бири мазкур қарордан норози бўлиб Конституциявий судга шикоят аризаси билан мурожаат этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

65. 2019 йил 15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Миллий тикланиш демократик партиядан сайланган бир гуруҳ депутатлар томонидан қонун лойиҳаси киритилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун

жавобгарликни назарда тутувчи 203¹-моддасига қўшимча киритишни назарда тутар эди.

Қўшимчага биноан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига қасдан шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланди. Қонун лойиҳаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Ялпи мажлисда сўзга чиққан Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси Ю.Норматов мазкур қонунни рад этиш лозимлиги, айтиш бу борада қўмита қарори ҳам қабул қилинганини таъкидлаб, барча сенаторлардан қонунни рад этиб овоз беришларини сўради. Рад этишга асос қилиб Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра давлат рамзи ҳисобланмаслиги, шу боис миллий валютага қасдан шикаст етказиш давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб талқин қилинмаслигини айтиб ўтди.

Қонун сенаторлар томонидан рад этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қайтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида масъул қўмита аъзоси томонидан қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияга зид эмаслиги, аксинча Конституция билан мустаҳкамланган давлат рамзларидан биронтасини чиқариб ташлашни эмас, балки уларни тўлдираётганини таъкидланди. Зеро, ҳар қандай суверен давлат ўзининг миллий валютасига эга бўлиши, бунда миллий валюта ҳам аслида бошқа давлат рамзлари каби давлат суверенитетининг рамзи экани айтилди. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисми томонидан қонун аввалги таҳрирда қайта қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш учун юборилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

66. 2019 йил 18 октябрь куни И.Маҳкамов ўзига тегишли бўлган ер участкасини фуқаро Ш.Каримовга 35 минг АҚШ долларга сотиб юборди. Ушбу ер участкасининг ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида давлат ҳокимияти идоралари ушбу олди-сотди шартномасини амалга оширишга тўсқинлик қилди. Яъни, ер умуммиллий бойлик сифатида унинг эркин олди-сотди қилиниши мумкин эмаслиги айтилди.

И.Маҳкамов эса ушбу ер участкаси унинг мулк экани, унга нисбатан мулк ҳуқуқи мавжуд бўлиб, уни тасарруф этиш ҳуқуқи ҳам мулк ҳуқуқининг элементи сифатида унга тегишли эканлигини келтириб судга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

67. 2021 йил 15 октябрь куни “Бешчашма” МФЙ фаоллари қишлоқ ҳудудида жойлашган масжиддан фойдаланишга рухсат беришини сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Туман ҳокимияти қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжини инобатга олиб, фақат мазкур ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда доимий равишда тоза ва озода бўлиш шарти билан диний ибодат учун фойдаланишга рухсат берди.

Масжид ва унинг атрофидаги ҳудудларга керакли дарахт кўчатлари, гул экиш мажбурият сифатида қишлоқ аҳолиси зиммасига юкланди. Бироқ, орадан кўп ўтмасдан вилоят адлия бошқармаси туман ҳокимининг қарорини бекор қилган ҳолда ушбу масжиддан фойдаланишни таъқиқлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

68. Дўстингиз И.Раҳимов МЧЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклда ҳусусий мактаб очишни режалаштирган. Мазкур мактаб 1-11 синфлар учун умумий ўрта таълим хизматлари кўрсатишни амалга оширади. И.Раҳимов сиздан агар ҳусусий мактаб очадиган бўлса тўланадиган фойда солиғи суммаси унинг фаолият олиб боришига қийинчилик келтириб чиқариш ёки чиқармаслиги ҳақида сўради.

И.Раҳимовга ҳусусий мактаб тўлайдиган фойда солиғи ҳақида тушунтириш беринг.

69. И.Расулов “Шарқ” МЧЖда ишлайди ва ойига 2 500 000 сўм иш ҳақи олади. Шунингдек у Тошкент давлат юридик университети магистратурасида ҳам ўқийди. И.Расуловнинг ёши 30 да. У фирма бухгалтериясига университетда ўқиш контракт суммасини тўлашда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятини билиш мақсадида мурожаат қилди. Фирма бош бухгалтери И.Расуловнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслигини айтди.

Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

70. Дўстингиз И. Раҳимов МЧЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклда ҳусусий мактаб очишни режалаштирган. Мазкур мактаб 1-11 синфлар учун умумий ўрта таълим хизматлари кўрсатишни амалга оширади. И. Раҳимов сиздан энди агар ҳусусий мактаб очадиган бўлса, ҚҚС суммаси унинг фаолият олиб боришига қийинчилик келтириб чиқариш ёки чиқармаслиги ҳақида сўради.

И.Раҳимовга ҳусусий мактаб тўлайдиган ҚҚС ҳақида тушунтириш беринг

71. “Молия ҳуқуқи” фанидан ўтказилган семинар машғулотида талаба А,Икромов тўлов топширқномаси ва тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китоб қилиш ўртасида ҳеч қандай фарқ мавжуд эмас. Унинг фикрига кўра мазкур икки ҳолатда ҳам маблағларни тўловчи ўз банкига мазкур ҳужжатларда назарда тутилган суммани ўтказиш бўйича топшириқ беради.

Талаба А.Икромов фикрига қўшилмасми?

72. “IT solution” МЧЖ ўз фаолиятини ахборот-коммуникациялар соҳасида олиб боради. Жамият директори И.Қосимов крипто-биржа очишни ҳамда у ерда манфаатдор шахслар ўртасида криповалюта олди-сотди ва алмашиш битимлари тузишни ташкиллаштиришни режалаштирган. У Сизга мурожаат қилиб Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар очиши тартиби бўйича консультация беришингизни сўради.

И.Қосимовга Ўзбекистон Республикасида крипто-биржа очиш ва лицензия бериш бўйича батафсил консултация беринг.

73. АТБ “Саёхатбанк” янги бинога кўчаётгани сабабли ўзига тегишли стол-стул ва компьютерларни учинчи шахсларга сотди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу ҳолатни банк томонидан савдо фаолияти билан шуғулланиш деб баҳолаб унга жарима солди.

Марказий банк ва АТБ “Саёхатбанк” ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

74. Фуқаро Р.К Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилганлиги боис фуқаро Р.К.нинг паспортлари мудофаа ишлари бўйича бўлими томонидан олиб қўйилди ва хизмат тугагунча сақланиши айтилди. Р.К. муддатли ҳарбий хизмат тугагач мудофаа ишлари бўйича бўлимга паспортини қайтаришларини сўраб мурожаат қилди. Мудофа бўлими паспорт доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойидаги маълумотларни йиғиш пунктида берилишини тушунтирди. Фуқаро Р.К ўзи яшаб турган жойидаги пунктга мурожаат қилганда маълумотларни йиғиш пункти ходими Э.А. фуқаро Р.К ушбу ҳудудда доимий рўйхатда турмаганлиги учун мурожаати қаноатлантирилмасилигини таъкидлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

75. Д.Х.Сирожова, 2021 йил 5 март куни Самарқанд шаҳар ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб турмуш ўртоғи А.Абдухамидов билан биргаликда 2010 йилда Самарқанд шаҳар, Фарҳод маҳалласидаги эски ва таъмирталаб сартарошхона биносини фуқаро Р.Рафиевдан сотиб олганлигини, Самарқанд шаҳар, Фарҳод маҳалласининг 2010 йил 7 декабрдаги 4-сонли йиғилиш қарори билан ушбу ҳудудда жойлашган мазкур сартарошхона биносини қайта таъмирлаб, замонавий кўринишга келтиришга розилик берилганлигини, ушбу бинонинг фасад қисмини кенгайтириб 72 кв.м ўлчамга эга бино қурганлигини, қурилиши 2010 йилда тўлиқ тугатганлигини, ушбу бинода 11 йилдан буён қандолатчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цех сифатида фойдаланиб келаётганлигини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлигини, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётганлигини, ушбу бинони оила аъзолари билан бирга қурганлигини, қўшнилар ва қариндошларини хабари борлигини, бирон бир низоси йўқлигини, ўғли С.Абдуғаффаров билан “Браво сифатли маҳсулотлари” оилавий корхонасини ташкил қилганлигини, гувоҳнома берилганлигини таъкидлади. Самарқанд шаҳар ҳокимлигига аризани ўрганиб чиқиб ариза бўйича Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан 2021 йил 23 мартдаги 02-31/1597-сонли хат орқали рад жавоби берилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

76. Самарқанд шаҳар Ибн Сино кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар кўп қаватли уйларнинг олдидаги қурилишдан норози бўлишди. Қурувчи ташкилот тақдим этган ҳужжатда (Самарқанд шаҳар ҳокими қарори. қурилишни Сартепа масканидаги 180-уй ва МТМ ўртасида бошлашга рухсат берилган. Дорихона қурилиши олиб борилаётган мазкур ер кўп қаватли уйда яшовчиларнинг фарзандлари учун мўлжалланган бўш жой бўлган. Дарахтлар соя қилиб турган бу ердан кўп қаватли уйларда яшайдиган оилалар фарзандлари болалар майдончаси сифатида фойдаланишган. Мурожаатчилар қурувчидан ҳоким қарори аҳоли манфаатларига зид қабул қилинганлиги рухсат берилган ерга қурилиш қилиши сонунга зид эканлигини таъкидлашади. Қурувчилар эса ҳоким қарори ўзгармаслигини айтишади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

77. “К” МФЙ раиси Г.Г. бошчилигидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг 2017 йил 15 апрелдаги 5-сонли қарори билан яшаш шароити юқори деган асос бўйича фуқаро Д.Д.га 2017 йил 2 январда туғилган боласи А.А. икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш рад этилган ва бу ҳақда 2017 йил 26 апрелдаги 55-сонли хат орқали унга хабар берилган. Бундан норози бўлган Д.Д. судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “К” МФЙ раиси (оқсоқоли)нинг Д.Д.га болага икки ёшгача нафақа тайинлаш ҳақидаги талабни рад этишда ифодаланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни, унинг зиммасига нафақа тайинлаш мажбуриятини юклашни сўраган. Шаҳар маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг

78. “Лолазор” МФЙ раиси Г.Г. бошчилигидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг 2017 йил 15 апрелдаги 5-сонли қарори билан яшаш шароити юқори деган асос бўйича фуқаро Д.Д.га 2019 йил 2 январда туғилган боласи А.А. икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинланган ва бу ҳақда 2019 йил 26 апрелдаги 55-сонли хат орқали унга хабар берилган бўлсада фуқаро А.А.га нафақа тўланмаган. Бундан норози бўлган Д.Д. судга ариза билан мурожаат қилиб, тайинланган нафақани ундириб беришни ва жавобгар сифатида “Лолазор” МФЙ раиси (оқсоқоли)нинг Д.Д.га болага икки ёшгача тайинланган нафақани ўзлаштириб юборганини таъкидлаган. Шаҳар маъмурий суди арзизани иш юритишга қабул қилишни рад этган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

79. Фуқаро У.Маҳмудовга аризасига биноан Тошкент вилояти Паркент туман “Қорасув” совхозни профсоюзни кўмитаси йиғилишининг 26.09.1987 йилдаги 12-сонли баённомаси ва Хонабод қишлоқ халқ депутатлари кенгашининг 8-сонли қарорига асосан уй-жой қуриш учун “Қорасув” совхозни ҳудудидан 0,06 гектар ер участкаси ажратиб берилди.

Бироқ, Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент аэропорти атрофида таъмирлаш, ободонлаштириш, автотураргоҳлар ташкил қилиш ва бузилиш

ишларини олиб бориш” ҳақидаги 30.12.2010 йилдаги 750-сонли қарорига асосан юқорида кўрсатилган ер участкаси жойлашган ҳудуд бузилиш ҳудудига тушди ва шу сабабли ушбу ер участкасида қурилиш ишлари олиб борилмади. У.Маҳмудовга Сергели туман ҳокимиятига мурожаат қилганида ҳокимият мансабдор шахслари аризачига давлат эҳтиёжи учун олиб кўйилаётган ер участкаси эвазига бошқа ер бериш масаласи ушбу ҳудудда бузилиш ишлари амалга оширилаётган вақтда кўриб чиқилиши ҳақида маълум қилинди.

У.Маҳмудов айти вақтда фарзандлари учун кўшимча турар жой қуриб беришга муҳтожлигини, лекин ҳокимият мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги сабабли ер участкасини ололмаётганлигини кўрсатиб, шикоят аризасини қаноатлантиришни, ҳокимиятнинг аризачиги ер ажратиш талабини рад этиш кўринишидаги ҳаракатини ноқонуний деб топишни ва ҳокимият зиммасига давлат эҳтиёжлари учун олиб кўйилаётган 0,06 гектар ер участкасига мутаносиб бошқа ер участкаси ажратиб бериш мажбуриятини юклашни сўраб судга шикоят қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

80. Фуқаро С.Валиев 1984 йил 26 ноябрда туғилган ва бу ҳақида Самарқанд вилояти Пайарик тумани Ватан ҚФЙ томонидан 26.11.1984 йилда 495-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган.

Лекин, фуқаро С.Валиевнинг бошқа ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатлари, шу жумладан Пайарик туман ФХДЁ бўлими томонидан 21.10.2003 йилда 593-сон билан қайд этилган никоҳ тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида, 12.06.2002 йилда 1502-сон билан қайд этилган фарзанди Шайхов Илғор Шаҳобиддин ўғлининг туғилганлик далолатнома ёзувидаги “Онаси” устунда, Учтепа туман ФХДЁ бўлимнинг 04.12.2003 йилда 2311-сон билан қайд этилган қизи Шайхова Ирода Шаҳобиддин қизининг ҳамда 09.10.2006 йилда 2108-сон билан қайд этилган қизи Шайхова Фарангиз Шаҳобиддин қизининг, 29.03.2011 йилда 715-сон билан қайд этилган ўғли Шайхов Абдувоҳид Шаҳобиддин ўғлининг туғилганлик далолатнома ёзувидаги “Онаси” устунда, энг асосийси Учтепа туман ИИБ ХЧК ва ФБ томонидан 21.02.2017 йилда берилган фуқаролик паспортини олишда Форма №1 шаклдаги аризасида туғилган вақти 02.11.1981 йил деб кўрсатилган.

Шу муносабат билан фуқаро С.Валиев Самарқанд вилояти Пайарик туман ФХДЁ бўлимига унинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида ўзгартириш киритиб бериш тўғрисида мурожаат қилган.

Самарқанд вилояти Пайарик туман ФХДЁ бўлими томонидан фуқаро С.Валиевга далолатнома ёзувини ўзгартириш, тузатиш ва тўлдириш тўғрисида рад жавоби берилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

81. 2019 йил 10 майда Тошкент шаҳрида «Баҳромхон» МЧЖга тегишли суний қоплар ишлаб чиқарувчи ҳусусий корхона устидан аҳоли томонидан эътироз келиб тушди. Ҳусусий корхонанинг фаолияти ҳар куни кеч соат 18:00

дан 22:00 гача юқори шовқин билан ишлаётганлиги натижасида аҳоли тинчлиги бузилаётганлиги учун 2 ҳафта муддатга тўхтатиб қўйилди. «Баҳромхон» МЧЖ раисининг айтишича, туман Экология қўмитасининг қарори асосиз чиқарилган, ҳамда ушбу шовқин бартараф этилганлигини таъкидлаб Экология қўмитасига мурожаат қилди. Вазиятни маъмурий тартиб-таомиллар принциплари асосида таҳлил қилинг.

82. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.нинг Давлат хизматлари марказига берган аризаси асосида унга тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома берилди. Бироқ рухсатномада кўрсатилган тадбиркорлик фаолияти аризачи томонидан маъмурий органга берилган аризада назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти соҳасидан фаркли тарзда баён этилганлигини гувоҳи бўлди. Фуқаро унга нисбатан чиқарилган маъмурий ҳужжат юзасидан маъмурий шикоятни қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий органга тақдим этди. Маъмурий орган шикоят бериш муддати ўтиб кетганлиги важи билан уни қабул қилишни рад этди. Фуқаро эса маъмурий органга 10 кун давомида хорижда сафарда бўлганлигини айтиб, хизмат сафари учун чиқарилган буйруқ нусхасини тақдим этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

83. Фарғона шаҳар ҳокимининг 2019 йил 19 сентябрдаги 965-сонли қарори билан “Сонстант Традинг” МЧЖга тегишли Фарғона шаҳар, Марғилоний қўчаси, 139-уй манзилида жойлашган ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган. Қонунга қўра, (“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, 13-модда, хусусий мулкка тажовуз қилишга, қонунга хилоф равишда (хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ёки ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шу нуқтаи назарда аризачи “Сонстант Традинг” МЧЖ раҳбари ҳоким қароридан норози бўлиб ҳоким қарори “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига зид эканлигини таъкидлаб ҳокимиятга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

84. Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшовчи фуқаро К.Комилов ўзига қарашли ер участкасида 6 хонадан иборат турар-жой биноси қурди. Орадан 10 йил ўтгач фуқаро К.Комиловнинг ҳовлиси жойлашган ҳудуддан автомобил магистрал йўли қуриш лойиҳаси давлат дастурига киритилди. Мазкур ҳолат бўйича ҳокимият вакили фуқаро К.Комиловга қарашли ер ўрнига бошқа ер берилишини, уй-жой қуриш учун эса маблағ берилмаслигини таъкидлаб ўтди.

Бундан норози бўлган фуқаро Тошкент шаҳри Олмазор туман ҳокимиятига уй қуриш учун маблағ таъминлаш юзасидан мурожаат қилди. Туман ҳокимияти масъул ходими мурожаатни асоссиз деб топиб, сабаб сифатида уйнинг қурилиши рухсатсиз амалга оширилганини маълум қилди.

Мазкур қазусда маъмурий ҳуқуқ субъектларини аниқланг. Фикрингизни асослаб беринг.

85. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ш. Давлат хизматлари марказига берган аризаси асосида унга тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома берилиши асоссиз кечиктирилаётганлиги ва Давлат хизматлари маркази иш юритишни асоссиз тўхтиб турганлигини вақ қилиб судга мурожаат қилди. Вазиятдан аниқланишича фуқаро Ш. билан мурожаат қилган Д. вафот этганлиги сабабли маъмурий иш юритиш тўхтатиб турилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

86. Фуқаро В. нодавлат ўқув маркази очиш мақсадида лицензия олиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Лекин Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси лицензия беришга оид мазкур ишни кўриб чиқиб сабабларини келтирган ҳолда лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Фуқаро В. лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб қайта 20 кун ичида мурожаат қилганда шикоят қилиш муддати ўтиб кетганлиги учун ариза кўриб чиқилмаслиги айтилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

87. Фуқаро Д. яқин қариндошининг ўлими сабабли Францияга бормоқчи бўлди. У барча керакли ҳужжатларни йиғиб, турар жойи бўйича ИИВ нинг хорижга чиқиш ва кириш ҳамда фуқароликни расмийлаштириш туман бўлимига мурожаат қилганлиги сабабли Президентлик сайловига муддатидан олдин қатнашиши лозимлигини сўраб мурожаат қилди. Туман сайлов участкаси фуқаро Д.нинг талабини қаноатлантиришни рад этди. Фуқаро Д ушбу ҳолатда Марказий сайлов комиссиясига шикоят билан мурожаат қилди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

88. А исмли фуқаро ўз турмуш ўртоғи билан бирга аҳоли гавжум жойлашган шаҳар мавзеларидан бирида, мазкур ҳудудда яшовчиларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланиш учун кичик савдо шаҳобчасини очди ва ўз фаолиятини бошлаб юборди. Орадан бироз вақт ўтиб, ушбу янги “очилган” савдо шаҳобчасидан участка солиқ инспектори хабар топди ва улардан ўз фаолиятини қонуний олиб бориши лозимлигини ва бунинг учун Давлат хизматлари мазказидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш лозимлигини тушунтирди. Акс ҳолда уларнинг ҳаракатлари маъмурий

хуқуқбузарлик сифатида баҳоланишини тушунтириди ва уларга ўз фаолиятини қонунийлаштириш учун 30 календар куни вақт берди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

89. Фуқаро И. сертификат олиш мақсадида “Узстандарт” Агентлигига мурожаат қилди. Белгиланган тартибда ариза намунаси ҳамда қонун доирасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этди. Бироқ белгилаган муддат ўтганидан сўнг Агентлик томонидан сертификат беришни рад этилганлиги маълум қилинди. “Узстандарт” Агентлигининг сертификат беришни рад этишини асоссиз деб ҳисоблади ва асоссиз равишда рад этиш устидан юқори турувчи органга шикоят қилишини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

90. “Шомбулоқ сазан балиқлари” фермер хўжалиги раҳбари Александр Якубов, Паст Дарғом туман ҳокимининг 2020 йил 15 апрелдаги 606–Қ-сонли ва 607–Қ-сонли қароридан норози бўлиб юқори турувчи органга мурожаат қилди. Ушбу ҳолат ўрганилганда Паст Дарғом тумани ҳокимининг тегишли қарорларига асосан “Шомбулоқ сазан балиқлари” фермер хўжалигига 7,4 гектар, “Анҳор суви” фермер хўжалигига 8,6 гектар ер майдонлари ажратилган. Фермер хўжаликлари мазкур ер майдонларида фаолият юритиб келиб бир қанча иш ўринлари яратгани, давлатга солиқ тўловларини тўлаб келгани аниқланди. Шунингдек, “Шомбулоқ сазан балиқлари” фермер хўжалиги ва “Анҳор суви” фермер хўжалиги раҳбарлари томонидан уларга ижарага берилган ер майдонларини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш бўйича розилик берилмаган ҳамда мазкур ҳолат юзасидан суднинг тегишли қарори қабул қилинмаган бўлсада, Паст Дарғом туман ҳокимининг 2020 йил 15 апрелдаги 606–Қ-сонли ва 607–Қ-сонли қарорлари билан фермер хўжаликларининг ер майдонлари туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

91. Фуқаро М.Р. 55 ёшга тўлиши муносабати билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шаҳар бўлимига (кейинги ўринларда БТПЖ деб юритилади) мурожаат қилиб пенсия тайинлашни сўраган. М.Р.нинг меҳнат дафтарчасида 1977-1988 йилдаги турли ташкилотларда ишлаган даврлари ҳақидаги ёзувлар киритилган. БТПЖ М.Р.нинг меҳнат дафтарчаси ҳамда давлат архиви томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосан унинг ташкилотларда ишлаган даври бола парваришlash таътилларини чиқариб ташлаганда 84 ойдан камни ташкил этган. Шундан 47 ой 6 кунга суғурта бадаллари тўланганлиги учун, БТПЖ ёшга доир пенсия тайинлаш учун қонуний асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, 2018 йил 15 майдаги 222-сонли хат билан М.Р. нинг аризасини рад қилган. Шу сабабли, М.Р. судга ариза билан мурожаат қилиб, БТПЖ мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

92. Фуқаро С.Валиев 1984 йил 26 ноябрда туғилган ва бу ҳақида Самарқанд вилояти Пайарик тумани Ватан ҚФЙ томонидан 26.11.1984 йилда №495-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган. Лекин, фуқаро С.Валиевнинг бошқа ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатлари, шу жумладан Пайарик туман ФХДЁ бўлими томонидан 21.10.2003 йилда №593-сон билан қайд этилган никоҳ тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида, 12.06.2002 йилда №1502-сон билан қайд этилган фарзанди Шайхов Илғор Шаҳобиддин ўғлининг туғилганлик далолатнома ёзувидаги “Онаси” устунда, Учтепа туман ФХДЁ бўлимининг 04.12.2003 йилда №2311-сон билан қайд этилган қизи Шайхова Ирода Шаҳобиддин қизининг ҳамда 09.10.2006 йилда №2108-сон билан қайд этилган қизи Шайхова Фарангиз Шаҳобиддин қизининг, 29.03.2011 йилда №715-сон билан қайд этилган ўғли Шайхов Абдувоҳид Шаҳобиддин ўғлининг туғилганлик далолатнома ёзувидаги “Онаси” устунда, энг асосийси Учтепа туман ИИБ ХЧК ва ФБ томонидан 21.02.2017 йилда берилган фуқаролик паспортини олишда Форма №1 шаклдаги аризасида туғилган вақти 02.11.1981 йил деб кўрсатилган. Шу муносабат билан фуқаро С.Валиев Самарқанд вилояти Пайарик туман ФХДЁ бўлимига унинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида ўзгартириш киритиб бериш тўғрисида мурожаат қилган. Самарқанд вилояти Пайарик туман ФХДЁ бўлими томонидан фуқаро С.Валиевга далолатнома ёзувини ўзгартириш, тузатиш ва тўлдириш тўғрисида рад жавоби берилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

93. Фуқаро В. нодавлат ўқув маркази очиш мақсадида лицензия олиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Лекин, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси лицензия беришга оид мазкур ишни кўриб чиқиб сабабларини келтирган ҳолда лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Фуқаро В. лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, 7 кун ичида қайта кўриб чиқишга тақдим этди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан яшаш жойи ҳақида маълумотнома йўқлиги ва рад этиш тўғрисида қарорда кўрсатилмаган бошқа камчиликларни сабаб қилиб 30 кун мобайнида яна рад қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

94. Фуқаро Д. яқин қариндошининг ўлими сабабли Францияга бормоқчи бўлди. У барча керакли ҳужжатларни йиғиб, турар жойи бўйича ИИВнинг хорижга чиқиш ва кириш ҳамда фуқароликни расмийлаштириш туман бўлимига мурожаат қилди. Ушбу бўлим ходими фуқаро Д.нинг мурожаати 15 иш кунда кўриб чиқилишини айтди. Лекин фуқаро Д. дафн қилиш маросими усиз ўтмаслигини ва у ушбу ерга тезроқ бориши лозимлигини тушунтирди. Бўлим ходими фуқаронинг бу мурожаатини рад этиб, ҳозирда бўлимда иш кўплигини ва қандайдир текшириш ўтказиш кераклигини тушунтирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

95. Талаба Алимов дан “VIP Brend” МЧЖ раҳбари ўзига нисбатан ҳоким томонидан чиқарилган маъмурий ҳужжатнинг мазмунини тушунтириб беришини ва унинг қандай ҳужжат эканлигини сўради. Талаба мазкур саволга Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунга биноан маъмурий ҳужжат – маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси сифатида белгиланганлини айтди ҳамда маъмурий ҳужжат ҳам норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг бир тури деб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг хусусиятларини тушунтирди.

Қонунчилик ва илмий адабиётлар ёрдамида маъмурий ҳужжатнинг мазмун ва моҳиятини изоҳланг.

96. Жиззах вилояти Дўстлик туманида исқитомат қилувчи фуқаро Ш тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш мақсадида лицензияловчи органга мурожаат қилди. Тегишли тартибда ариза ва керакли ҳужжатларни давлат божини тўлаганлик ҳақидаги қвитансия билан топширди.

Белгиланган муддатда фуқарога лицензия тақдим этилди. Бирок фуқарога берилган лицензия матнида бир қатор камчиликлар борлиги кўзга ташланди. Хусусан, унда лицензия қайси субъектга нисбатан берилганлиги, унинг амал қилиш муддати ҳамда, қайси фаолият учун берилаётганлиги аниқ кўрсатилмаган эди. Фуқаро норози бўлиб судга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

97. Фуқаро Ж тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш мақсадида лицензияловчи органга мурожаат қилди. Тегишли тартибда ариза, аризага илова қилинадиган ҳужжатларни ҳам тақдим этди. Давлат божини ҳам қонунчиликда белгиланган микдорда тўлаб, тўланганлик ҳақидаги қвитансияни лицензияловчи органга топширди.

Адресатнинг яқинлари томонидан маъмурий иш кўриб чиқиладиган вақтда лицензияловчи органга хабар берилишича аризачи Ж автоҳалокат натижасида оламдан кўз юмган. Шу муносабат билан маъмурий орган иш юритишни тўхтатиб туриш кераклигини таъкидлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

98. Хусусий тадбиркор Н.Найимов Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2020 йил 18 июндаги 99-қароридан норози бўлиб мурожаат қилди. Хусусий тадбиркорнинг таъкидлашича, Самарқанд шаҳридаги Университет хиёбонида 84 дона, Регистон кўчасида 25 дона, Беруний кўчасида 94 дона ҳамда Кимёгарлар кўрғонидаги Умид кўчасида 10 дона, жами 213 дона 1×2 ўлчамли LED мониторлари ўрнатилиши белгиланганлиги, мазкур LED мониторларни ўрнатиш ишлари аниқ битта тадбиркорлик субъектига (МЧЖ)га

юклатилганлиги қайд этилганини ва ўзининг ҳуқуқлари бузилганлигини таъкидлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

99. Фуқаро Д. якка тартибда уй-жой қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талаб этилган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда ваколатли органга юборди. Ваколатли орган фуқаро Д.нинг мурожаатини кўриб чиқиб, ундан қўшимча ҳужжатни (ер участкасининг қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланилиши ёки фойдаланилмаслиги тўғрисида тегишли органнинг маълумотномаси) тақдим этиши лозимлигини кўрсатган ҳолда унинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этди.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

100. Фуқаро Ж. участка сайлов комиссиясининг қарори устидан округ сайлов комиссиясига шикоят қилди ва у ўз шикоятида участка сайлов комиссияси раиси унга нисбатан қарор қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг принципларига риоя этмаганлигини асос қилиб келтирди.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.